



ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДА БАДИИЙ ҒОЯ ВА ПОЭТИК МАҲОРАТ

Рузматова Ирода Рузматовна

Абу-Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети
хузуридаги ихтисослашган мактабда инглиз тили фан ўқитувчиси
мустақил тадқиқотчи

ruzmatovairoda341@gmail.com

+998999687929

Аннотация

Ғоя ўз-ўзидан пайдо бўладиган адабий ҳодиса эмас. чунки унинг ҳам ўзига хос илдишлари, келиб чиқиш сабаблари бўлади. Мазкур мақолада ҳикоянависнинг ғояни ташкиллаштириши, уни идроклаш тамойилларининг йўсинлари хусусида сўз боради. Ёзувчи олам ва одам муносабатини қай тариқа ифодалай олганини имкон қадар талқин қилганлигида кўринади.

Abstract

An idea is not a spontaneous literary phenomenon. because it also has its own roots, causes of origin. This article talks about the organization of the idea of the story writer, the principles of its perception. It can be seen that the writer interpreted as much as possible how he was able to express the relationship between the universe and man.

Аннотация

Идея не является спонтанным литературным явлением. ведь оно тоже имеет свои корни, причины возникновения. В данной статье говорится об организации идеи рассказчика, принципах ее восприятия. Видно, что писатель максимально интерпретировал то, как ему удалось выразить взаимоотношения Вселенной и человека.

Калит сўзлар: ғоя, инсон, персонаж, образлилик, фалсафийлик, мистик, реалистик, исоира

Key words: idea, person, character, imagery, philosophy, mystic, realistic, metaphor

Ключевые слова: идея, человек, персонаж, образность, философия, мистика, реалист, метафора.

Маълумки, ҳикоя жанри эпик турнинг энг кичик жанрларидан бири экан, унда ихчамлик ва ўзига хослик биринчи ўринда туради. Қисқа эпик вақт мобайнида ёзувчи ўз маҳоратини намоиш қилишда жуда катта ижодий изланишларни бошидан ўтказади. Инсоннинг маиший ҳаётнинг бир бўлагини, унинг орзу-умидларини идроклаш, янги-янги модуслар билан талқин қилиш учун маҳорат биринчи ўринда эканлиги адабиётшунослар томонидан далолатланади. Чунки маҳорат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, талант, илҳом ва тажриба бирлигида ривожланади, сайқалланади, тараққий этиб, теранлик касб этади. Ҳар қандай адиб ўз устида жиддий изланишлар олиб бормаса, ёзганлари ўша даврнинг (вақт) ўзидаёқ унутилиши мумкин. Эсланг, инглиз ва рус адиблари ёзган асарлар бутун дунё адабиётида катта ўзгаришларга эшик очди. Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй, Лев Толстой, Федор Достоевский, Франц Кафка, Алберт Камю, Жейм Жойс, Марсел Пруст сингари жаҳон сўз классиклари таъсирида ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирозов, Мурод Муҳаммад Дўст, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам сингари ёзувчилар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги сўзга бўлган талаби, изланишлари, ижодий концепцияси қардош халқлар адабиётига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатдилар. Шу боисдан ҳам, поэтик маҳорат ва бадиий нутқ борасида жиддий тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжи пайдо бўлди. Демак, инсоннинг бугуни ва эртаси, ўтмишидан тайинли хулосалар чиқариб, янги давр ҳикоячилигининг туб илдизларини XX асрнинг тонготаридан то бугунга қадар илмий-назарий жиҳатдан асослаш адабиётшуносликнинг олдида турган муҳим масалалардан бири десак, масала моҳиятига яқинлашган бўламиз.

Инсоннинг ҳар бир интилиши, ўз устида мудоми изланишлар олиб бориши, айти ҳақиқатдир. У қайси давр ёки қайси мафкуравий тазийқлар орасида тобланмасин, ҳамиша ўзининг ботинидаги ҳақиқатга суянишга, унинг истиқболлари билан яшашга мажбур. Аллоҳ томонидан берилган гўзал истеъдод йиллар давомида ўзининг самарасини бериши тайин. Чунки ижодкор ўзининг маълум мақсад ва маслага билан бирга ҳаракат қилади. Дунёвий билимларни пухта эгаллаш борасида тинимсиз изланишлар олиб боради. Хусусан, ҳикоячиликнинг оғир юмуш эканлиги, нисбатан қисқа вақт оралиғида изланишлар олиб бориш, сўз қўллаш, характери индивидуаллаштириш, образли ифодалаш учун катта куч ва билим, салоҳият, маҳорат зарурдир. Шу маънода, “адабий асарнинг мазмунидаги салмоқдорлик, ўз замонаси учун муҳим бўлган ғоялар билан суғорилганлиги, ёзувчининг халқ ҳаёти билан алоқасига, халқ ҳаётида бўлаётган муҳим ҳодисаларни ўз диққат

маркайда тутишига ва тасвирлаб бера олишига боғлиқдир. Ҳақиқий ёзувчи ўз ижодида халқ ҳаёти учун муҳим бўлган масалаларни четлаб ўтолмайди. Ёзувчи талантининг масшаби (миқёси) ўз замонаси учун, бутун инсоният учун муҳим ҳаётий масалаларни эҳтиросли ва бадиий маҳорат билан ўртага қўя билишида кўринади”¹. Ҳақиқатдан ҳам, адабий асарнинг мазмунидаги залворнинг ўзиёқ ёзувчи маҳоратининг нечоғли юксаклиги, теранлиги сўзга бўлган муносабатнинг ўзига хослиги билан ўлчанади. Чунки ёзувчи бадиий асар ёзаркан жамият ҳаётининг бир узви билан боғлиқ ҳолда иш тутади. Ижтимоий-маиший муаммолар, умуминсоний масалалар билан омухталлашиб, юксак тарихий силсилаларга бориб туташигагина адиб ўз мақсадига етишган, ижодий қувватини намоён қилган бўлади. Манашу қарама-қаршиликлар, кескин коллизиялар ёзувчини жиамитяда ўз ўрнини топиб олишига кенг йўл очади. Шундай экан, инсоннинг бутун борлиғи, ҳаётий ақидалари эстетик гўзаллик қаршисида ўзининг моҳиятини намоён қилишга қодир бўлиши тайин. Демак, бадиий маҳорат ўз-ўзидан юзага келмаслиги аёнлашмоқда. Битта асарни қирқ мартаба таҳрир қилган А.Қаҳҳорнинг ҳикояга бўлган талаби ҳам шуни тақозо этмоқда. Сайқал бериш, уни идроклаш, қайта ёзиш борасида сўзнинг залвори ҳам, муаммонинг кўлами ҳам аста-секинлик билан очила боради. Шундай вазиятда ёзувчи ўзининг идрок оламига шўнғийди. Фалсафий-эстетик бўёқдорлик ҳикоя жанрини янги-янги уфлар томон кенг йўл очишида катта имкониятлар яратади.

Ҳозирги кунда поэтик маҳоратни ёзувчилар бир вақтнинг ўзида икки хил шаклда ифодалаш йўлидан бормоқда: 1) Мистик ҳикоялар; 2) Истиоравий ҳикоялар. Буларнинг кўпчилиги мустақиллик йилларидан кейин ёзилди. Жаҳон, хусусан, Ғарб адабий-бадиий тафаккурининг таъсири натижасида ҳикоялар ўзига хос мазмун ва шакл жиҳатидан ҳам янгилашилари бошидан кечирди. У.Ҳамдамнинг “Пиллапоя”(истиоравий ҳикоя)си, Н.Эшонқулнинг “Сибизга воласи”(мистик ҳикоя) тарзида қабул қилинди. Ҳар иккила ҳикояда тасвир элементлари бошқа-бошқа масалаларни ҳал қилишга қартилганлиги билан ажралиб туради:

“Устозни топганим яхши эдию унинг кўзларидан уққаним ўша ҳузунли маъно мени қийнай бошлаганди. Ақлим “Унга ишон!” дерди. Чунки мен пиллапоянинг илк зинасидан бошлаб неча мингтасини босиб ўтганим билан ҳеч қайсисида кўним топмагандим. Бас, шундай экан, нетиб яна хув осмондагисидан умидвор бўлай?! Мени ўша ёққа бошлаётган куч устозим

¹ Адабиёт назарияси, 1-жилд. Тошкент, Фан, 1978. –Б.71.

айтганидек, фақат ва фақат кўнглимнинг шу ондаги ҳолати, холос. Бор-йўғи – шу! Оламнинг мазмуни бизнинг ўз кўнглимиздаги мазмун билан қоимдир! Ахир мен ҳозир ёш ва ғайратлиман, умид ва орзу ичимда болалаб ётибди. Улар-чи, улар – ўша аёл, устоз? Уларнинг таналари қариди. Ичларидаги орзу-умидлар эса қуш мисол бирин-сирин учиб кетдилар. Шунинг учун ҳам кўзларида тиклаб бўлмас ҳорғинлик акс этган. Ахир, уларнинг қиёфаларидаги сурункали чарчоқ, аслида, кўнгиллариининг ифодаси эмасми? Устознинг “юқорида ҳеч нарса йўқ”, дегани аслида, шу тобдаги бўм-бўш кўнглидан чиқаётган садо эди-да!.. Аммо... аммо биласизми, устоз энди пастдан – пиллапоя ибтидосидан нимадир кутаётган эди. Назаримда, бу унинг юрагини тарк этмаган яккаю ягона илинжи эди... Ахир, мен куни кеча ўша қуйига тушиб борганим билан кўпчилик кириб кўздан йўқолган жойга, парданинг ортига ўтмадим-да! Устознинг умиди ўша парданинг орқасидаги дунё билан боғлиқ эди энди... Ҳар ҳолда унинг кўзларида шу маъно ҳам бор эди...”²

Келтирилган лавҳада ёзувчи муборак устози босиб ўтган йўл ҳақида рамзий талқин қилмоқда. Ёзувчининг мақсади: нафсни енгишга қаратилганлигидадир. Чунки устозининг ўғитлари доим уни дунё ҳавасларидан омон сақлаб келади. Ички қониқиш ва панду насиҳатларга зимдан амал қилиш, ҳикоя қаҳрамонини янада юксалтиради. Ёзувчи ҳикояда кучли руҳий босим таъсирида қолган оломон руҳиятини тартиблаштиради. Кўпчилик талпинган нурли манзилларда ҳаммаси ҳам мурод-мақсадига етиш олмайди. Шунинг учун ҳам қалб ва руҳни муҳофаза қилиб, ботиний истаклар изида собит турган зотларгина бу муқаддас баландликни ишғол қилиши тайин. Қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, кескин муносабатлар ҳар бир пиллапояга чиқаётган йўловчиларни жиддий синовдан ўтказди. Ёдимизга А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” (достон), Ф.Достоевскийнинг “Телба”(роман), Л.Толстойнинг “Иқрорнома”(эссе). Сомерсет Моэмнинг “Ёмон кунда йўлдошинг”(ҳикоя) каби асарларида бунинг ёрқин намуналарини кўрамиз. Бу асарларнинг кўпчилигида – нафс тарбияси аксланади. Н.Эшонқулнинг “Сибига воласи” ҳикоясида эса мистик характердаги рамзий ишоралар намоён бўлади. Демак, шаклнинг ичидаги ҳар қандай маъно, у ёзувчининг воқеликни қай тариқа ифодалай олиши билан ўлчанади.

Проф.У.Жўрақулов: “Н.Эшонқулнинг “Сибизга воласи” асари нашр этилгани заҳоти энгил-елпи баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳикоя халқ орасида юрадиган Искандар ҳақидаги мистик ҳикоят (чўпчак)нинг

² <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/ulugbek-hamdami/ulugbek-hamdami-pillapoya-hikoya/>

бадийлаштирилган бадийлаштирилган баёнига қурилган. Натижада жўн бир мистика ҳам маъно, ҳам хронотоп кўлами нуқтаи назаридан кўламдорлик касб этган. Ҳикоя сюжети, Искандар ва сартарош образлари типологик қиёфа олган. Аммо ёзувчи шу ўринда бир нозик масалани – рецепция жараёнидаги ўқувчи ассосатив қамровининг чеки йўқ ва тизгинсизлигини, у ҳамма нарсани қўйиб, тўғридан-тўғри ҳазрат Навоий “Ҳамса”сидаги Искандарга, қолаверса, “Қуръони карим”да зикр этилган Зулқарнайнга қадар даҳл қилиши мумкинлигини, оқибат ўлароқ чўпчак талқини кечириб бўлмас бир ёлғонга айланиб қолишини эътиборга олмаган”³. Бир қарашда У.Жўрақуловнинг фикрларида жон бордек. Чунки Искандар ҳақидаги мифологик қарашлар, бир ҳикоя доирасида – **сартарош-чўпон-қудуқ ва Шоҳ** бирлигида рўй беради. Айниқса, қудуқдан ўсиб чиққан қамишнинг найга айланиши, ундан Искандарнинг шоҳи борлигини хиргойи қилиб нола қилиши, бу катта масалалардан биридир. Поэтик талқинда айти шу жиҳатлар бадий маҳоратга боғлиқлиги янада аёнлашади.

Ҳикоячиликда поэтик маҳорат ўз-ўзидан юзага келмайди. Унинг ўзига хос изланиш, тараққий этиш ва ривожланиш йўсинлари бўлади. Мана шу тамойилдан олиб қарайдиган бўлсак, жамиятнинг маълум бир ҳаётини, воқеликнинг биз англамаган қирраларини “кашф этиш” принципларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ёзувчи қайси миллатга мансуб бўлмасин, ўзининг устида мунтазам изланиш олиб бормаса, унинг кўзланган натижаларга эришиши қийин кечиши табиийдир. Зеро, кузатишлар шундай хулоса қилишга етакламоқда.

³ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “Ғ.Фуллом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи”. 2015. – Б.263.